



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2025-yil 24-iyul, payshanba,
84 (24.110)-son

O'zbek xalq
maqoli

Elning
g'ami -
erning
g'ami

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz



VATAN UCHUN, MILLAT UCHUN, XALQ UCHUN!

ОДАМЛАР – ИМКОНИЯТНИНГ КАТТА МАНБАИ

Бу – 2001 йилнинг декабрида Каттакўрғон тумани ҳокимлиги мажлислар залида ўша вақтда вилоят ҳокими бўлган Шавкат Мирзиёев томонидан айтилган гап. Ўшанда мунтазам қабулларнинг бирида мактаб директори спорт майдончалари атрофи ўралмагани, одамлар бу ерда баъзан мол боқаётганлиги, мактабда эса маблағ йўқлиги юзасидан шикоят қилди. Шунда ҳоким мактаб атрофидаги фермерлар уюшмаси раисини турғазди.

- Неча гектар галла эккансиз?
- 300 гектар.
- Жуда яхши. Нури билан минерал ўғитни яхшилаб берсангиз, ҳосилдорлик камида 5 центнерга ошади. 3 центнердан келадиган даромадни алоҳида сотиб, мактабдаги муаммони ҳал қилиш мумкинми?

Ш.Мирзиёев шундай деб, рақамларни аниқ ҳисоблаб, натижасини айтди. Раис рози бўлди. Сўнг ҳоким залга мурожаат қилди:

- Оғайнилар! Ҳаёт қанчалик мураккаб бўлмасин, муаммони ўзимиз яратамиз. Аслида, одамларнинг ўзи, ишимиз, иқтидоримиз, ниятимиз имкониятнинг энг катта манбаи. Ҳафсала билан иштиёқ керак. Ташкилот раҳбарлари ҳоким ёрдамида бир-бири билан бўладиган муносабатларни ҳар кун аниқлаб, ҳисоб-китоб қилиб бориши керак. Бинобарин, халқимизнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ.

Ён дафтаримдаги ушбу ёзувларни қайта ўқирканман, Шавкат Миромоновичнинг Самарқанд вилоятига раҳбарлик қилган пайтида бизга берган сабоқларини эсладим. Бу сабоқлар ҳаммамиз биладиган ҳолат, ҳаммамиз ҳар куни дуч келадиغان воқеалар. Фақат биз эътибор бермаганмиз, «менга нима» қабилида иш тутганмиз. Ҳокимнинг энг катта хизмати ишга киришганининг биринчи куниданоқ барча-мизни бош қўшишга, муаммоларни биргаликда ҳал қилишга даъват қилгани бўлди. Таклиф этган ҳар бир лойиҳасида жамоа бўлиб ишлаш гоёси мужассам эди.

Масалан, йиллар давомида темирйўл ёки катта автомагистрал ёқаларида бўш ётган биноларни битта бойваччага эмас, балки икки-уч нафар ишбилармонга бериш таклифларини киритди. Ва, бу тажриба ўзини оқлади.

“ОДАМЛАРГА ИШОНМОҚ ВА СУЯНМОҚ УЛАРНИНГ САДОҚАТИНИ ОШИРАДИ”

Ана шу шиор билан ишлаган раҳбар деярли ҳар куни ўнлаб жамоага борар ҳамда у ердаги муаммоларни ўрганиб, аввало, ўша ердаги ходимлар, мутахассислар билан масалага ечим топишга ҳаракат қиларди.

Ана шундай суҳбатларнинг бирида Каттакўрғонда бир пайтлари ном қозongan, кейин эса инқирозга учраган чорвачилик мажмуаси таҳлил қилинди. Қарийб 5 гектар майдонда мажмуадан чиқарилган нури махсус ҳовузда чириб ётибди. Лекин бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ, барча мажмуа ичида қолган тўрт бош молни ўғирлаш билан овора. Ана шундай вазиятда ҳоким бу ердаги органик ўғитни барча туманларга ташиб кетишни уюштирди. Шарбат билан сўғориш орқали



Шавкат Мирзиёев Самарқандга таширифи чоғида доим вилоят фаоллари билан дилдан суҳбатлашади

бир йилда галла ва пахта ҳосилдорлиги анчагина ошди.

Одамларга, фаолларга суяниб иш тутганлиги сабабли шикоятлардан кўра, таклифлар кўпая бошлади. Жумладан, Жом қишлоғида мактабнинг қўшимча биноси, сел уриб кетган кўприк қисқа муддатда тикланди. Қишлоқ фаоли Эштурди аканинг ташаббуси билан қишлоқ аҳли ёппасига ҳашарга чиқди. Қурилиш материаллари ва мутахассисларни ҳоким уюштириб берди. Бундай хайрли ишлар деярли барча туманларда амалга оширилди. Яширмайман, Пахтачида ўзим ўқиган мактаб эски биноси баҳордаги ёғингарчиликлар сабабли қулаб тушганида худди шу усулни қўлладик. Ҳоким маблағнинг ярмини толиб берди, ярми эса хўжалик раиси Фотима Тўхтапўлатова ташаббуси билан ташкил этилди ва бино таъмирдан чиқарилди.

“ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ, ҚОР ҲАМ ЁНАДИ”

Бу ўзбек халқ мақолини Шавкат Мирзиёев қайси жамоага бормасин, албатта такрорларди, чунки ўзи шунга амал қиларди. Барча раҳбар ва мутахассисларни ҳар бир муаммо сабабини ўрганишга, унинг ечими ҳақида турли вариантларни ўйлаб кўришга даъват қиларди. Мисол учун, ўша пайтда қишлоқ хўжалик техникалари абгор ҳолатда эди. Айниқса, шудгор ва ўрим-йигимда лемих ва баллонлар етишмасди, уни харид қилишга пул йўқ. Ана шу нозик пайтда мутахас-

сислар жалб қилинди ва хориждаги заводлар билан шартнома тузилиб, галла ва пахта ҳосилининг бир қисми уларга сотилди ва ўрнига керакли эҳтиёт қисмлар олиб келинди. Нарпайлик тажрибали деҳқон Зайнаб Ҳайдарова ўша пайтда, қийналган чоғида битта илтимоси билан тракторга олтига баллон келгани ва қисқа муддатда галла ҳосилини йиғиштириб, баллоннинг пулини тўлаб берганини ҳалигача эслаб туради. Бундай яхши хотираларни ўша даврда ишлаган ҳар бир хўжалик раиси айта олади.

Шавкат Миромоновичнинг биз учун берган катта сабоқларидан бири – бу нурунийлар ҳамда ёшларга бўлган ҳурмати эди. Фидойи зиёли Ҳасан Нормуродовни доимо ёнида олиб юриши, у кишидан маслаҳат сўраши бошқа қарияларимизга ҳам куч бағишлади. Пенсиядаги мутахассисларни тўплаб, ҳар бир соҳа бўйича жамоатчилик маслаҳат кенгашлари ташкил этилиши раҳбарлар масъулиятини ошириш, муҳими, муаммоларга ечим топишда жуда катта самара берди.

Ҳозир Самарқанд шахрини безаб турган Ёшлар маркази деярли ҳашар йўли билан қурилди. Албатта, йирик корхоналар катта кўмак берди. Чунки ўша даврда кундан-кун сони ортиб бораётган ёш авлодни тўғри йўлга солиш зарур эди. Бунинг учун ҳар бир туманда ёшлар учун маънавият хоналари, спорт майдончалари ташкил этилди,

мунтазам мусобақалар ўтказилди.

Ш.Мирзиёевнинг бизга берган яна бир сабоғи – бу бугунга қадар юрагимизга, вужудимизга куч-қувват бериб келаётган халқимизнинг барча ҳислатларини намоён қилаётган тушунчадир: «Самарали иш услубини четдан ўрганишимиз мумкин, лекин халқимизнинг ақлу заковати, иқтидорига ва ишбилармонлигига таянишимиз керак» дерди у киши. Пировардида шундай бўлди ҳам. Ўнлаб соҳаларда Самарқанд тажрибалари пайдо бўлди.

Нокантарлик бўлса-да, вилоят ҳокимининг матбуотга бўлган муносабатини айтиб ўтмоғим зарур. Бор-йўғи 2-3 минг нусхада чоп этилаётган вилоят газеталари адади у кишининг ёрдами билан 20-25 минг нусхага чиқди. Муассис сифатида газетамизнинг ҳар бир сониде таҳлилий мақола ва танқидлар чиқишини сўрарди. Ҳар бир анжуманда хатога йўл қўйган, масъулиятсиз раҳбарларга “газета орқали ҳамма қилмишингни халққа ошкор қиламиз», деб дашном берарди. Менинг СТВ телерадиокомпаниясида ҳафтада икки марта икки соатдан тўғридан-тўғри мулоқот олиб боришимни маъқуллар ва халққа доимо бор гапни айтиб туришимни тайинларди.

Албатта, ўша даврда вилоят ҳокими берган сабоқларни айтаверсак, гап кўп. Кўчаларнинг обод бўлиб қолгани, ишлаётган, машаққат чеккан кишиларнинг рағбатлантирилиши – ҳамма-ҳаммаси одамларнинг ҳоким атрофида жипс-лашгани ва катта иштиёқидан далолат эди.

Биз бугун ҳам ҳурматли Президентимизни ўша салоҳиятда, сиймода қўриб турибмиз. Фақат бугун у киши жаҳон ҳамжамятига ибрат бўлмоқда ва сабоқ бермоқда. Бу сабоқларнинг моҳиятида Ўзбекистон халқининг манфаати турибди. Бинобарин, Бош вазир бўлиб ишлаган чоғида ҳам, Президентликка киришганида ҳам биз у кишидан ана шундай сабоқлар бўлишига ишонганмиз. Негаки, қалби пок, халқини севган, юртига садоқатли ўғлон ана шундай йўл тутарди.

Мен бугун давлатимиз раҳбарининг халқаро нуфузи хусусида алоҳида тўхталиб ўтирмоқчи эмасман. Негаки биз кундалик ўзгаришлар, эврилишлар даврида Ўзбекистон нечоғли шиддат билан ривожланаётганини, унинг раҳбари салоҳияти халқаро ҳамжамятда ортиб бораётганини кўриб, билиб турибмиз.

Фариуддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» китобида ёзилишича, ҳазрати Довуд Тойи рўза пайтида офтобда ўтирган экан. Шунда онаси «болам, рўза пайти, иссиқ ёмон таъсир қилади, сояда ўтирсанг бўларди», деган. У эса «эх, онажон, мен бу ерга офтоб тушмасидан аввал келиб ўтирган эдим. Офтоб кейин тушди. Энди нафсим маслаҳати ва манфаати учун сояга ўтишга Аллоҳдан қўрқаман», деб жавоб берган экан.

Бизнинг Президент ҳар қандай ҳолатда ҳам Ўзбекистон халқи, шу Ватан учун хизмат қилишга ҳаётини бағишлаган ва бу йўлдан қайтмайди.

Фармон ТОШЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
қўрсатган журналист.



Koreyada istiqbolli kelishuvlarga erishildi

O'tayotgan haftada viloyat hokimi vazifasini bajaruvchi Adiz Boboyev boshchiligidagi delegatsiya Janubiy Koreyada bo'lib, ushbu davlatdagi bir qator mintaqalar va shaharlar rahbarlari, yirik kompaniya va tashkilotlar mas'ullari bilan muzokaralar o'tkazdi.

Viloyat hokimligi axborot xizmatining ma'lum qilishicha, A.Boboyev Pusan shahri meri Pak Xyong Chun bilan uchrashuvda elektronika va elektrotexnika, metallurgiya, farmatsevtika va biofarmatsevtika bo'yicha birgalikda loyihalarni amalga oshirish, KOICAning Samarqanddagi samarali dasturlari asosida Pusandagi kema qurilishi va sanoat korxonalariga malakali ishchilarni yetkazib berish, migratsiya va mehnat resurslarini boshqarish masalalariga alohida e'tibor qaratildi.

Shundan so'ng viloyatimiz vakillari Pusan shahridagi yuqori texnologiyali fitting va klapanlar ishlab chiqaruvchi “BMT SUPERLOK” kompaniyasida bo'ldi.

Viloyatimiz hokimi kompaniya uskunalariga talab yuqori ekanligini aytib, Samarqandda ham shu kabi korxonani ochish taklifini berdi.

(Davomi 3-sahifada) >>>

Пайарикда драйвер лойиҳалар нега кечикмоқда?

Фармон ва ижро



2024 йил 20 декабрда Президентимизнинг “Худудларда юқори иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш ҳамда бу борада маҳаллий ҳокимликларнинг роли ва масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинганди.

Унга кўра, 2025 йилда “Зарбдор тажрибаси” асосида sanoat, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида драйвер лойиҳалар шакллантирилган.

Халқ депутатлари Пайарик тумани кенгашининг 2025 йил 28 февралдаги қарори ҳамда туман ҳокимлигининг таклифига асосан, 1-босқичда 3 та



лоиҳа учун республика бюджетидан 5,8 миллиард сўм маблағ ажратилган. Аммо драйвер лойиҳалар инфра-тузилмаси учун республика бюджетидан пул ажратиб берилишига қарамай, лойиҳаларни ишга туширишда сўстхашликка йўл қўйилмоқда.

Жумладан, Навбахор маҳалласи худудидан оқиб ўтувчи “Булунғур ариғи” каналининг 1 километр қисмида сув ўзани ўзгариши натижасида ҳосил бўлган 1,2 гектар ер майдони-

даги оролчани зарур инфратузилма билан таъминлаш (1 километр электр тармоғи тортиш, 1 та ТП, 40 та тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш, 1 та ичимлик суви иншооти, 1 километр сув тармоғи тортиш, 1 километр йўлни асфальтлаш, 700 метр лоток ўрнатиш ва каналнинг 2 километр қисмини бетонлаштириш) орқали савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш белгиланган.

(Давоми 3-саҳифада) >>>

ZAMONAVIY BILIM, AMALIY KO'NIKMALAR SARI YO'L



Narzullo OBLOMUROV,
Toshkent davlat agrar universiteti
rektori, iqtisodiyot fanlari doktori

Qishloq xo'jaligi mamlakatimizning drayver sohasi ekanligi sir emas. Shuningdek, agrar sohada ilm-fan va innovatsiya yutuqlarini yana ham keng ko'lamda joriy etish, resurstejamkor texnologiyalarni qo'llash orqali yurtimizda qishloq xo'jaligi yo'nalishida yangi, yuqori natijalarga erishilayotgani ham ayni haqiqat.

Bu borada davlatimiz rahbari tomonidan ilgari surilayotgan g'oya va tashabbuslar, xususan, qishloq xo'jaligini modernizatsiyalash va diversifikatsiyalash, yer va suv resurslaridan samarali foydalanish, sohani raqamlashtirish kabi dasturiy vazifalar agrar tarmoq rivojining yangi bosqichga ko'tarilishiga mustahkam zamin yaratmoqda. Ayniqsa, sohaga zamonaviy innovatsiyalarni keng joriy etish, ilm-fan va amaliyot uyg'unligini ta'minlash yuzasidan olib borilayotgan islohotlar o'z samarasini beryapti.

Ushbu e'tibor va islohotlar natijasida qishloq xo'jaligi sohasida malakali, yetuk kadrlarni tayyorlash ishlarida ham anchayin o'sish kuzatildi. 95 yillik tarixga ega Toshkent davlat agrar universitetida olib borilayotgan amaliy jarayonlar mazkur fikrimizning yaqqol misoli bo'la oladi.

O'zbekiston agrar sohasining ilg'or oliy ta'lim va ilmiy markazi bo'lgan ushbu oliygoh so'nggi yillardagi o'zgarishlar natijasida chin ma'noda yirik novatorga aylandi.

Ayni paytda universitet tarkibida 8 ta fakultet, 24 ta kafedra bo'lib, 40 dan ortiq zamonaviy o'quv va ilmiy laboratoriya, boy kitob fondiga ega axborot-resurs markazi, 56,2 gektar ilmiy-o'quv tajriba maydoni mavjud. 15 ming nafardan ortiq talabaga 562 nafar professor-o'qituvchi saboq bermoqda. Intiluvchan ustozlarimizning izlanishlari natijasida hozirgi kunda universitetning ilmiy salohiyati 71,2 foizga yetkazilgani ham bizning eng katta yutuqlarimizdan biri, desak mubolag'a bo'lmaydi.

Keyingi yillarda universitetimizda ta'lim sifatini yaxshilash, xalqaro standartlarga mos kadrlar tayyorlash va ularning malakasini oshirishga alohida e'tibor qaratmoq damiz. Bu borada xalqaro tashkilotlar, xorijdagi nufuzli oliy ta'lim muassasalari bilan faol hamkorlik yo'lga qo'yilgan.

Xususan, AQSH, Xitoy, Rossiya, Germaniya, Janubiy Koreya, Avstriya, Yaponiya, Portugaliya, Niderlandiya, Turkiya, Indoneziya kabi davlatlarning dunyoning TOP-300 ro'yxatiga kirgan 19 ta OTMlarining ta'lim dasturlari tahlili asosida universitetda mavjud bakalavriat ta'lim yo'nalishlari hamda magistratura mutaxassisliklarining qariyb 300 dan ortiq fanlarning o'quv dasturlari va sillabuslari ishlab chiqildi.

Shuningdek, qishloq xo'jaligi rivojlangan mamlakatlarda ta'lim sifatini o'rganish va amaliyotga tadbir etish maqsadida professor-o'qituvchilarning xorijda malaka oshirishlariga alohida e'tibor qaratilmoqda. Birgina joriy yilning yanvar-may oylarida 50 nafardan ortiq professor-o'qituvchimiz Polsha, Turkiya, Malayziya, Janubiy Koreya, Xitoy va Rossiya Federatsiyasining nufuzli oliy ta'lim hamda ilmiy tadqiqot tashkilotlariga malaka oshirish va stajirovkaga yuborildi. O'z navbatida Germaniya, Polsha, Turkiya, Malayziya, Janubiy Korea, Xitoy va Rossiyaning yetakchi oliy ta'lim va va ilmiy-tadqiqot tashkilotlarining 30 nafardan ortiq professorlari universitet o'quv mashg'ulotlarida ishtirok etishdi.

Xorijda malaka oshirish va tahsil olish borasida talaba yoshlarimizga ham imkoniyatlar eshigi doimo ochiq. Aniq ma'lumotlarga yuzlanadigan bo'lsak, ayni paytda Agrosanoatni rivojlantirish agentligi,

O'rmon xo'jaligi agentligi, "Leo Garden", "Agro Light Business", "Multi Flora" kabi 29 ta yirik tashkilot va korxonalar bilan hamkorlikda dual ta'lim yo'lga qo'yildi. Bu sa'y-harakatlar samarasi o'laroq, 2025-yilda 187 nafar talaba Polsha, Germaniya, Bolgariya kabi mamlakatlarga haq to'lanadigan qisqa muddatli o'quv amaliyotlariga yuborildi. Ushbu yo'nalishdagi aloqalarni yanada kengaytirish uchun Xitoy, Gretsiya, Vengriya va Xorvatiyada talabalar amaliyotini tashkil etish bo'yicha kelishuvlarga erishildi.

Shu bilan birga, oxirgi ikki yilda Germaniya xalqaro hamkorlik jamiyati (GLZ) hamda "ASIIN" xalqaro agentligi bilan hamkorlikda 4 ta ta'lim yo'nalishi xalqaro akkreditatsiyadan o'tkazilgani ta'lim dasturlarimizning xalqaro darajada tan olinishi, universitetning jahon maydonidagi nufuzi ortayotganligidan dalolat beradi.

2025-2026-o'quv yilidan universitetimizda mavjud qo'shma ta'lim dasturlari bilan birga Irkutsk davlat agrar universiteti, Polshaning WSB universiteti, Litvaning Vitautas Magnus universiteti, Turkiyaning EGE universiteti, Rossiyaning Boshqird davlat agrar universitetlari bilan hamkorlikda shunday dasturlar tashkil etildi.

Magistratura bosqichida esa Xitoyning shimoliy g'arbiy qishloq xo'jaligi va o'rmonchilik universitetida biznesni boshqarish, mevalilik, o'simliklar himoyasi va karantini, agronomiya, chorvachilik yo'nalishlarida, Vengriyaning MATE universitetining oziq-ovqat xavfsizligi yo'nalishi, Turkiyaning Isparta amaliy fanlar universitetining o'simlikshunoslik, o'simliklar himoyasi va karantini, mevalilik, chorvachilik yo'nalishlarida keng qamrovli kadrlar

tayyorlash bo'yicha hamkorlik memorandumlari imzolangan va bu yil ilk bor qabul amalga oshiriladi. Bu kabi xalqaro malaka almashinuvini tashkil etish bir tomondan qishloq xo'jaligi sohasida istiqbolli kadrlar bazasini mustahkamlashga hamda xorij tajribasini milliy ta'limimiz bilan uyg'unlashtirish barobarida, amaliy izlanishlarda yangidan yangi yutuqlarga erishishimizga ham zamin yaratmoqda.

Keyingi yillarda Toshkent davlat agrar universiteti nainki sifatli agrar ta'lim beriladigan, ayni paytda qishloq xo'jaligining real muammolari yechimiga qaratilgan ilmiy-hajmdor tadqiqotlar olib borilayot-

gan yirik markazga aylanmoqda. Bunday deydish uchun asoslar yetarli. Professor-o'qituvchilarning 2020-2024-yillarda davlat ilmiy-texnika dasturlari doirasida bajariladigan fundamental, amaliy va innovatsion loyihalar tanlovlarida ishtirok etib, umumiy qiymati 25,3 milliard so'mga teng bo'lgan 29 ta loyihani muvaffaqiyatli bajardi. Birgina joriy yilda ana shunday loyihalar soni o'ntadan oshib, 15 milliard so'mdan ortiq mablag' jalb qilish rejalashtirilgan.

Jamoamiz ilmiy salohiyati yil sayin yuksalib borayotganini birgina ilmiy-tadqiqot natijalarini tijoratlashtirish holati misolida ham ko'rish mumkin. Ya'ni, professor-o'qituvchilar erishilgan ilmiy yutuqlar, yaratilgan innovatsion texnologiyalar, ishlanma va ixtirolar asosida agroklastlar, fermer xo'jaliklari, shuningdek, ishlab chiqarish korxonalariga ko'rsatilgan xizmatlar evaziga 2024-yilda universitetning tijoratlashtirish jamg'armasiga 3,5 milliard so'm mablag' tushgan bo'lsa, joriy yilda ushbu ko'rsatkichni 10 milliard so'mdan oshirish ko'zda tutilgan.

Tabiiyki, bunday yutuqlar qo'lga kiritilishida ilmiy izlanuvchilar uchun zamonaviy jihozlangan laboratoriyalar, tajriba maydonlari mavjudligi qo'l kelyapti. 56,2 gektar maydonda joylashgan ilmiy-o'quv tajriba maydonida talabalarimiz, izlanuvchilarning ijobiy natijalariga guvoh bo'lishingiz mumkin.

Hozirgi kunda davlat ilmiy-texnika dasturlari doirasida 5 ta amaliy loyiha va 130 ga yaqin ilmiy tadqiqotlar aynan ushbu hududda olib borilmoqda. So'nggi yillarda bu yerda o'tkazilgan ilmiy izlanishlar doirasida 50 dan ortiq ixtiroga patentlar olindi. Yuqori hosillilik, turli iqlim sharoitiga moslashgan g'alla, g'o'za, meva-sabzavot ekinlarining yangi

ko'rsatkichlari yuqoriligi bilan boshqa navlardan ajralib turadi. Ushbu bog' to'liq hosilga kirganda va agrotexnika tadbirlari o'z vaqtida sifatli amalga oshirilganda har tupdan 25-30 kilogramgacha, bir gektaridan esa o'rtacha 60-70 tonnagacha hosil olinadi. Xuddi shunday, yangi barpo qilingan anjir bog'i hamda issiqxonalarda sitrus mevali o'simliklar kolleksiyasi tashkil etilib, ko'chat yetishtirish yo'lga qo'yilgan.

Polshalik hamkorlar bilan yangi turdagi rezavor mevali o'simliklar - qulupnay, malina, golubika va yevjika kolleksiyasi yaratilmoqda. Bundan tashqari, talab yuqori bo'lgan mahsulotlar, sakkiz turdagi karam, gulkaram, brokkoli va salat bargi, shuningdek, sabzi, piyoz va kartoshkaning serhosil navlarini yetishtirish bo'yicha ilmiy-tadqiqot ishlari olib borilayapti.

O'quv-ilmiy tajriba xo'jaligida iqlim o'zgarishlariga moslashish, ayniqsa, shorlangan yerlarda ekin yetishtirish ustida tadqiqotlar olib borilayotganini alohida e'tirof etish joiz. Ayni paytda shorlangan sharoitida biodehqonchilik xalqaro markazi (ICBA — International Center for Biosaline Agriculture) bilan hamkorlikda degradatsiyaga uchragan yerlarda amarant va kinoa o'simliklarini yetishtirish bo'yicha tajribalar o'tkazilmoqda. Bu ekinlar qurg'oqchilik va issiqlikka chidamli bo'lib, oziq-ovqat-xavfsizligini taminlashda yangi imkoniyatlar eshigini ochishi turgan gap.

Shu o'rinda ta'kidlashimiz kerakki, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 27-dekabrda 60-sonli yig'ilish bayoni hamda Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirining 2025-yil 17-yanvardagi "2024/2025-o'quv yili bo'yicha kam-

bag'al va kam ta'minlangan oilalarning bitiruvchi sinfdagi farzandlarini oliy ta'lim muassasalari rahbarlariga birlashtirish to'g'risida"gi 18-son buyrug'i ijrosini ta'minlash maqsadida Yangiyo'l shahar, Qibray, Chinoz, Parkent, Zangiota, Toshkent, Yangiyo'l tumanlarida kambag'al va kam ta'minlangan oilalarning bitiruvchi sinfdagi farzandlarini tayyorlov kurslarida o'qitish ishlari olib borilmoqda. Bundan ko'zlangan maqsad esa intiluvchan yoshlarni qo'llab-quvvatlash hamda ularni Vatanimizning tayanchi, Yangi O'zbekistonning poydevori bo'ladigan insonlar etib tarbiyalashdir.

Albatta, amalga oshirilayotgan bu ishlar negizida bir maqsad - malakali kadrlar tayyorlab, mamlakatimiz ravnaqiga xizmat qilish vazifasi turibdi. Buni universitetimizda faoliyat ko'rsatayotgan professor-o'qituvchilar, tahsil olayotgan talabalar ham yurakdan his qiladi.

Zamonaviy bilim, amaliy ko'nikmalar va ishonchli kelajak sari yetaklovchi yo'l Toshkent davlat agrar universitetidan boshlanadi.

Koreyada istiqbolli kelishuvlarga erishildi

(Davomi. Boshlanishi 1-sahifada).

Neft va gaz sanoati, kimyo va neft kimyo sohasidagi hamkorlik va bu uchun Samarqandga qilinadigan investitsiya tez fursatlarda o'zini oqlashi, innovatsion yechimlar orqali yaratilgan mahsulotlar doimo xaridorgir bo'lishi qayd etildi. Kompaniya vakillari bu taklifni ma'qulladi va bajariladigan ishlarni puxta ishlab chiqilgan loyiha asosida amalga oshirish zarurligini ta'kidladi.

Adiz Boboyev global shaharlar turizmini rivojlantirish tashkiloti bosh kotibi – O'zbekistonning Janubiy Koreya Respublikasidagi turizm brendi elchisi Kang Da-yun bilan uchrashuvda O'zbekiston va Janubiy Koreya o'rtasida turizm sohasidagi hamkorlikning bugungi holati va istiqbollariga e'tibor qaratdi.

Kang Da-yun O'zbekistonning boy va

qo'shma loyihalarni amalga oshirish yuzasidan takliflar bildirildi.

Vi'oyat hokimi vazifasini bajaruvchi Adiz Boboyev Janubiy Koreya qishloq xo'jaligi vazirligining hayvonlar va o'simliklar agentligi direktori o'rinbosari Geongil Min, IT park va raqamli texnologiyalar vazirligining Janubiy Koreyadagi vakili AKITA rahbari Ray Chong, raqamli marketing bilan shug'ullanadigan "SIHA" korxonasi rahbari Jonghoon Kim, sun'iy intellekt va ma'lumotlarni qayta ishlash bo'yicha katta tajribaga ega bo'lgan "Miso Infotech" korxonasi rahbari Geongil Min bilan uchrashdi.

Uchrashuvda O'zbekistonning IT va outsorsing sohasida koreyalik hamkorlar uchun investitsiyaviy jozibadorligi oshib borayotganligi, ikki tomonlama hamkorlikni yanada mustahkamlash



betakror sayyohlik salohiyatini xalqaro miqyosda ilgari surish borasidagi faoliyati haqida gapirib, Samarqandning turistik imkoniyatlarini jahon bozorida faol targ'ib etishini bildirdi.

Vi'oyat hokimi vazifasini bajaruvchi Adiz Boboyev Chxunchxon-pukto provinsiyasi gubernatori Kim Yong Xvan va uning o'rinbosari bilan uchrashuvlar o'tkazdi.

Muloqotlarda hududlararo hamkorlikni yanada mustahkamlash masalalari muhokama qilindi.

Adiz Boboyev Samarqandda elektromobillar uchun batareyalar, elektrotexnika mahsulotlari, sanoat filtrlari ishlab chiqarish, "Smart Farm" – "aqlii ferma" loyihalarini amalga oshirish, "Osong Medical Innovation Foundation" loyihasi doirasida viloyatda telemeditsinani yo'lga qo'yish takliflarini bildirdi.

Ikki tomon yetakchilari joriy yilda Chxunchxon-puktoda "Samarqand turizm va madaniyati kunlari" hamda Samarqandda "Chxunchxon-pukto turizm va madaniyati kunlari"ni tashkil etishga kelishib oldilar.

Provinsiya rahbariyati 100 nafargacha samarqandlik yoshlarni Chxunchxon-puktodagi universitetda davlat granti asosida o'qitishga tayyorligini bildirdi. Uchrashuv so'ngida Samarqand viloyati va Chxunchxon-pukto provinsiyasi o'rtasida do'stlik kelishuvi imzolandi.

Provinsiyacha tashrif doirasida Samarqand va Chxunchxon-pukto tadbirkorlari biznes forumi o'tkazildi.

Unda hududlar rahbarlari hamda tadbirkorlar ishtirok etishdi. Adiz Boboyev hududlararo hamkorlikni rivojlantirish uchun imkoniyat va resurslar, salohiyat katta ekanligini ta'kidladi. Samarqandga har yili millionlab mahalliy va xorijiy sayyohlar tashrif buyurishi, bu esa xizmat ko'rsatish, mehmonxona, ovqatlanish va transport sohaslaridagi biznes uchun katta imkoniyatlar yaratishi ta'kidlandi. Shuningdek, oziq-ovqat, to'qimachilik, qurilish materiallari, kimyo va mashinasozlik sanoati kabi sohalar rivojlanib borayotgani, xorijiy kapital ishtirokidagi korxonalar uchun alohida imtiyoz va preferensiyalar berilayotgani haqida ma'lumotlar berildi.

Hududlar o'rtasidagi aloqalarni yanada rivojlantirish maqsadida Koreya texnologiyalari asosida Samarqandda zamonaviy issiqxona, logistika va qayta ishlash klasterlarini tashkil etish, erkin iqtisodiy zonalarda mashinasozlik, elektronika va elektrotexnika sanoatida

maqsadida Janubiy Koreyaning yetakchi texnologiyali kompaniyalari bilan mam-lakatimizning biznes imkoniyatlari hamda IT salohiyatini taqdim etish uchun mavjud imkoniyatlar haqida so'z yuritildi.

Muloqot yakunida Samarqandda Koreya IT biznes markazini tashkil etish hamda kadrlar tayyorlash yuzasidan hamkorlik memorandumini imzolandi. Janubiy Koreyaga tashrif davomida viloyatimiz vakillari yirik innovatsion "aqlii" zavod va ilmiy-tadqiqot laboratoriyalariga ega "CJ Blossom Campus", yirik tekstil korxonalari tarmog'ini tashkil etgan "Youngone Corporation" kompaniyalari rahbarlari bilan uchrashdi hamkorlikning istiqbollarini muhokama qilindi.

Viloyatimiz rahbari vazifasini bajaruvchi Adiz Boboyev Janubiy Koreya kompaniyalari bilan hamkorlikni yanada rivojlantirish, Samarqand viloyati tumanlarida ishlab chiqarish korxonalarini tashkil etish yuzasidan takliflarini berdi.

Yetmish yildan ortiq tajribaga ega TYM zavodi mas'ullari bilan uchrashuvda Samarqandda traktor va qishloq xo'jaligi texnikalari ishlab chiqarish yuzasidan muzokaralar olib borildi.

Koreyaga safar davomida viloyat hokimi vazifasini bajaruvchi Adiz Boboyev Shimoliy-Sharqiy Osiyo davlatlari hududiy mamuriyatlari uyushmasi rahbariyati bilan uchrashuv o'tkazdi. 1996-yilda tashkil etilgan uyushмага Xitoy, Yaponiya, Janubiy Koreya, Mo'g'uliston, KXDR va Rossiya Federatsiyasidan 82 ta hudud ma'muriyati a'zo hisoblanadi. Muloqotda Samarqand viloyati bilan hamkorlik o'rnatish va bu jarayonda yangi imkoniyatlarni ishga solish masalalariga to'xtalib o'tildi.

Tashrifning so'nggi kunida samarqandlik tadbirkorlar O'zbekiston – Janubiy Koreya ishbilarmonlari biznes-forumida ishtirok etdi.

Forumda viloyat hokimi vazifasini bajaruvchi Adiz Boboyev, O'zbekistonning Janubiy Koreyadagi elchisi Alisher Abdulomov so'zga chiqib, Samarqandning iqtisodiy salohiyati, investitsiyaviy imkoniyatlari haqida ma'lumot berdi.

Forum doirasida tarmoqlar va hududlarning iqtisodiy salohiyatini yanada oshirish, qishloq xo'jaligi, ta'lim, sog'liqni saqlash, shahar infratuzilmasini barpo etish, tejamkor texnologiyalardan foydalanish va boshqa sohalarida qo'shma loyihalarni amalga oshirish bo'yicha qator ikki tomonlama hujjatlar imzolandi.

(Davomi. Boشلаниши 1-sahifada).

Bugungi kunda soхil bўйи учун 1 километр йўл асфальтлаштирилган бўлса-да, енгил конструкцияли 6 та меҳмон уйи, 15 та шийпон, 10 та ўтов ҳамда 8 та савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этиш бўйича амалий ишлар бошланмаган. Дўстлик маҳалласи ҳудудидаги ҳокимлик захирасида турган 2,5 гектар ер майдонини (4 та лот) зарур инфратузилма билан таъминлаш (4 километр электр тармоғи тортиш, 1 та ТП, 1 та ичимлик сув иншооти ўрнатиш, 400 метр ичимлик суви тармоғи тортиш, 3 километр тупроқ йўлни шағаллаштириш) натижасида қайта ишлаш лойиҳаларини амалга ошириш белгиланган. Бироқ бугунги кунда 2,5 гектар ер майдони ҳокимият захирасига олинмаган ҳамда тоифасини ўзгартириш бўйича бирор бир иш бажарилмаганлиги сабабли бу лойиҳани амалга оширишнинг имкони йўқ. Лойиҳа бошланган деб вaж қилиб кўрсатилган саноат лойиҳаси танланган ҳудуддан 2,5 километр масофа узоқликда жойлашган. Шунингдек, 3 километр масофадаги тупроқ йўлнинг шағаллаштириш учун танланган йўл саноат лойиҳаларига умуман алоқаси йўқ. Бундай ҳолатда инфратузилма учун ажратилган 1,5 миллиард сўм пул маблағлари мақсадсиз ишлатилиши мумкин.

Бошчўрош маҳалласи ҳудудидаги "Самарқандбалиқсаноат" МЧЖга қарашли 440,6 гектар балиқчилик майдонини зарур инфратузилма билан таъминлаш орқали тadbirkorлик субъектларига узоқ муддатли ижара шартнома асосида балиқ етиштириш, кўнгилочар ва умумий овқатланиш масканлари ташкил этиш белгиланган. Ҳозирда зарур инфратузилма билан таъминлаш ишлари амалга оширилаётган бўлса-да, кўнгилочар ва умумий овқатланиш масканлари ташкил этиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ҳудудда ободонлаштириш ишлари олиб борилмаган.

Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 130 та янги иш ўрни яратилиб, бюджетга қўшимча 3,5 миллиард сўм маблағ тушиши режалаштирилган. Ҳўш, туманда ушбу лойиҳаларнинг ишга туширилиши нега кечикяпти?

- Тумanning ривожланиш нуқтасини топиш мақсадида малакали мутахассислар, тажрибали инсонлар билан биргаликда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш аҳоли бандлигини таъминлаш йўллариини ўрганиб, муҳим қарорга келдик, - дейди туман ҳокими Исроил Жабборов. - Шу мақсадда драйвер лойиҳаларнинг биринчи босқичида 3 та маҳаллани танлаб олганмиз.

Дўстлик маҳалласи 20 минг гектардан ортиқ ҳудудни қамраб олади ва асосан чорвачилик, узумчиликка ихтисослашган. Бундан 4-5 йил олдин маҳалла ҳудудидаги Ингичка



Пайариқда драйвер лойиҳалар нега кечикмоқда?

қишлоғида томчилатиб сўғоришга мўлжалланган 2 минг гектарли янги узум боғи яратилганди. Маҳаллий аҳоли узумчилик билан шуг'уллангани сабабли давлат томонидан жуда катта ресурс ажратилган. Шу боис биз куруқ мевани қадоқлаш лойиҳасини амалга ошириш учун дастлаб Ингичка боғининг юқори қисмини танлагандик. Мутахассислар келиб ўрғаниб, бу ерда ерости суви йўқлиги тўғрисида хулоса берди ва шундан сўнг шу маҳалладан чиқмаган ҳолда лойиҳани узумзорнинг юқори қисмидан пастки қисмига кўчиришга мажбур бўлдик. Бунинг учун жорий йил 27 апрелда ташаббускор тadbirkorларни топдик. Ҳозирда ўша тadbirkor ўзига тегишли ерда биноларни қуриб фойдаланишга тайёр ҳолга келтирди. Режа бўйича лойиҳани ноябрь ойида топшириш белгиланган, лекин биз бу лойиҳани сентябрь ойида ишга туширишни мақсад қилганмиз.

Бошчўрош маҳалласидаги иккинчи лойиҳамиз 25 миллион куб метр сув сигимига эга Қорасув сув омборининг пастки қисмидаги 500 гектарлик майдон ва унинг 240 гектари ҳовузлардан иборат. Сув ҳавзалари "Балиқсаноат" МЧЖга қарашли бўлса-да, йиллар давомида самарасиз, кўпчиликнинг эътиборидан четда қолган, лекин катта имкониятли нуқта.

Президентимиз Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуши фаровонлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан йнғилиш ўтказганди. Биз ушбу маҳаллани шу йўналишда ривожлантириш бўйича тақлиф бергандик. Шундан сўнг лойиҳа раҳбарият томонидан назоратга

олинди. Иккинчи қадамимиз эса драйвер лойиҳага киритдик. Ҳўш, нима ўзгарди? Аввал, йўл инфраструктураси йўқлигидан бориш имкони бўлмаган, қатнови паст бўлган маҳалла йўлининг 2 километр қисми республика бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан асфальтланди, натижада қатнов ошди. Йўлнинг қолган қисмида ўзимизнинг ички имкониятларимиздан келиб чиқиб кичик таъмирлаш ишларини олиб борапмиз. Tadbirkorимиз ҳам Хитойдан балиқкорни автоматик озиклантириш ускуналарини олиб келди ва бунинг натижасида балиқ кўпайтириш имконияти яратилди. Шунингдек, тadbirkor ўзига тегишли йўллари текислаб, кичик шийпончалар қурди, аҳолининг дам олиши учун шароит яратмоқда.

Учинчи лойиҳага киритилган Навбаҳор маҳалласини танлашимизга сабаб ҳудудда Қўктепа тепалиғи бор. Ўрганишларга кўра, бу тепалик тарихи 3 минг йилга бориб тақалаяпти. Бу эса ҳудудга сайёҳларни жалб қилиш имконини беради. Шу жиҳатлар ва маҳалладан "Булунғур ариғи" ўтганлиги, табиий манзарани инобатга олиб, ариқнинг ўнг ва чап томониға аҳоли дам олиш масканлари ташкил қилиш таклифи қабул қилинди. Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси раҳбарлари билан жойини ўрганиб, шартнома тузилди ва тadbirkor ишни бошлади.

Кўрсатилган барча лойиҳаларни ишга тушириш учун ноябрь ойиғача муддат белгиланган. Лекин биз лойиҳаларни ўз вақтида, сифатли топширишга қафолат берамиз.

Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Зарафшон"нинг махсус муҳбири.

РЕКЛАМА, E'LOHлар, BИDИRISHлар / MUPOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

DA'VOLAR BO'LSA...

Samarqand shahridagi "JARTEPA QURILISH DIZAYN" mas'uliyati cheklangan jamiyati (STIR: 301788158) o'z ustav fondini 19 318 195 600 (o'n to'qqiz milliard uch yuz o'n sakkiz million bir yuz to'qson besh mingolti yuz) so'mdan 877 300 000 (sakkiz yuz yetmish yetti million uch yuz ming) so'mga kamaytirmoqda. Shu munosabat bilan unga bildiriladigan barcha da'volar gazetada e'lon chop etilgach, bir oy davomida qabul qilindi.

Manzil: Samarqand shahri Gagarin ko'chasi, 35-uy.

Payariq tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Muhammadiev Farhod Jo'raqulovich notarial idorasida marhum Mavlanova Xafiza Raxmanovnaga (2025-yil 2-fevralda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilgan. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Muhammadiev Farhod Jo'raqulovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Payariq tumani Chelak shaharchasi, Istiqlol ko'chasi, 73-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Jo'rayev Kamoliddin Muhiddinovich notarial idorasida marhum Kurbanov Salex Islam ogliga (2015-yil 29-iyunda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Jo'rayev Kamoliddin Muhiddinovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri O'zbekiston ko'chasi, 35-uy.

Narpay tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Qurbanov Azizjon Ro'ziyevich notarial idorasida marhum Suyarkulov Baxtiyov Baxronovichga (2025-yil 10-yanvarda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilgan. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Qurbanov Azizjon Ro'ziyevich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Narpay tumani Oqtosh shahri, Imom Buxoriy ko'chasi.

Payariq tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Muhammadiev Farhod Jo'raqulovich notarial idorasida marhum Abdullayev Olimjon Jonxo'rozovichga (2024-yil 29-dekabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilgan. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Muhammadiev Farhod Jo'raqulovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Payariq tumani Chelak shaharchasi, Istiqlol ko'chasi, 73-uy.

Payariq tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Muhammadiev Farhod Jo'raqulovich notarial idorasida marhum Mengliyev Yusuf Mamirovichga (2020-yil 12-oktabrda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilgan. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Muhammadiev Farhod Jo'raqulovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Payariq tumani Chelak shaharchasi, Istiqlol ko'chasi, 73-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Narzullayeva Lola Shukurullayevna notarial idorasida marhum Chelkayeva Tatyana Aleksandrovnaga (2025-yil 14-yanvarda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Narzullayeva Lola Shukurullayevna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Nodirabegim ko'chasi, 5/1-uy.

Jomboy tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Mirzayeva Barno Jo'raqulovna notarial idorasida marhum Nasriyev Raxmatga (2021-yil 27-aprelda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Mirzayeva Barno Jo'raqulovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Jomboy tumani Zebuniso ko'chasi, 4-"A" uy.

Payariq tumanida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Ortigboyev Aziz Azamatovich notarial idorasida marhum Raxmatov To'loin Umarovichga (2024-yil 6-martda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilgan. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Ortigboyev Aziz Azamatovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Payariq tumani Chelak shaharchasi, Istiqlol ko'chasi, 73-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Azizov Sherzod Ilhomovich notarial idorasida marhum Otamurodova Iroda Ergashevna (2021-yil 10-iyulda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Azizov Sherzod Ilhomovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Abdurahmon Jomiy ko'chasi, 64-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Bahromova Feruza Zoirovna notarial idorasida marhum Bazarova Irina Vasilievna (2016-yil 27-martda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Bahromova Feruza Zoirovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Gagarin ko'chasi, 121-uy.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Bahromova Feruza Zoirovna notarial idorasida marhum Karshiyeva Klara Suleymanovna (2019-yil 26-avgustda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Bahromova Feruza Zoirovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Gagarin ko'chasi, 121-uy.

Toyloq tumanida xizmat safaridagi Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Tursunov Suhrob Berdiqulovich notarial idorasida marhum Razaqov Narzullaga (2015-yil 4-iyunda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Tursunov Suhrob Berdiqulovich notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Toyloq tumani Beruniy ko'chasi.

Samarqand shahrida xususiy amaliyot bilan shug'ullanuvchi notarius Bahromova Feruza Zoirovna notarial idorasida marhum Mamedova Ra'no Xusenovna (2024-yil 6-yanvarda vafot etgan) tegishli mol-mulk uchun meros ishi ochilmoqda. Shu munosabat bilan merosxo'rlarning Bahromova Feruza Zoirovna notarial idorasiga murojaat etishlarini so'raymiz.

Manzil: Samarqand shahri Gagarin ko'chasi, 121-uy.



Самарқанд маданий ҳаётидаги унутилмас бир ҳафта

(спектаклга чипта олиш
учун касбимдан фойдаланганим ҳақида)

Театр ва томошабин



МАШҲУР ДИАЛОГ

"- Мени кўпроқ мана бу савол бевозта қилади, магарки, Худо мавжуд бўлмаса, инсон ҳаётини ва умуман бу борлиқни ким бошқаради?"

- Ие, табиийки, инсоннинг ўзи бошқаради!

- Айбдорман, айбдорман... Фақат қизик, ҳатто эртанги кунига кафолат бера олмаган одам қандай қилиб ҳаётини бошқариши мумкин? Дейлик, бир инсон эрта-индин Кисловодска отланса-ю, аммо оёғи трамвай рельсларида тойиниб, бошидан жудо бўлса... Буни ҳам ўзи бошқарган бўладими?"

- Сиз... мени... Кисловодска отланганимни каердан билдингиз?"

- Бу ҳали ҳаммаси эмас... Масалан, бугун кечқурун нима иш қилишингизни биласизми?"

- Ҳарҳолда кечқурун нима билан машғул бўлишим ҳар қачонгидан кўра аниқ ва тиник. Агар Бронскийда бирон ғишт-пишт кўчиб....

- Ғиштни кўя туринг, у сизга хавф туғдирмайдими. Сиз бошқача ўлим топасиз.

- Балки айтиб берасиз?"

- Меркурий кўчасида, трамвай йўлида бошингиз танасидан жудо бўлади.

- Ким буни амалга оширади, душманларимми? Интервентларми ёки?!"

- Рус аёли, комсомол қиз..."

- Мени кечиринг-у, бу эҳтимоли жуда кам бўлган вариант. Тўғри, ўлим ҳақ....

- Ўлим ҳақ, аммо бу фожианинг ҳаммаси эмас, ёмони шундаки, баъзида у тўсатдан ташриф бўюради. Майли, келинг, саволни сал бошқачароқ қўямиз.

Хўш, бугун кечқурун айнан нима билан машғул бўлмоқчисиз?"

- О, бу жуда аниқ; кечки соат ўнда МОССОЛИТнинг кенгаши бўлиши керак ва мен унда иштирок этаман.

- Афсуски, бунинг умуман иложи йўқ.

- Нега энди?"

- Чунки Аннушка кунгабоқар ёғи сотиб олди ва аллақачон йўлга қикди ва ҳатто уни тукиб юборишга ҳам улгурди. Демакки, йиғилиш ўтказилмайдими.

- Кунгабоқар ёғининг нима дахли бор? Аннушкангиз ким ўзи?"

- Гап умуман бошқа жойда шеклилли... - гапга қўшилади Берлиоз.

- Айтинг-чи, ўртоқ гражданин, сиз ҳеч жиннихонада бўлганмисиз?"

- Албатта бўлганман!

- Мана айтдим-ку! - кўнглидагиларни овоз чиқариб айтиб юборди Берлиоз.

- Эҳ-хе, шу пайтгача қаерларда бўлмадим. Дарвоқе, яқинда сиз ҳам у жойнинг нима эканлигини билиб оласиз...."

Кишини бир ўқишдаёқ қизиқтириб қўядиган ушбу диалог қайси асарда келганини зуқко ўқувчи аллақачон

англагандир.

Воланднинг Берлиоз ва шоир Бездомний билан ушбу диалогидан сўнг асар воқеалари тизгинсиз жонланиб кетади. Воқеалар ривож тизлашиб, жамиятдаги бор чиркинликлар, баъзида оддий, кези келганда, фантастик кўринишларда намоён бўлади.

М.Булгаковнинг машҳур "Уста ва Маргарита" асарининг кино шаклида томошабинга тақдим этилганига кўп бўлди. Атеистлик мажбурланган худосизлик жамияти қандай аҳволга келганини шу давр ва замонда тасвирлаш, уни асар ҳолида чоп эттириш учун камида қаҳрамон бўлиши керак ёзувчи. Самарқандлик томошабинлар эса яқинда мана шу асарнинг театрда сахналаштирилган кўринишини томоша қилишга муваффақ бўлишди. Россиянинг Приморск ўлкаси М.Горький номидаги академик драма театри жамоаси томонидан намоиш этилган спектакллар ичида "Уста ва Маргарита" ҳам бор эди.

"ЧИПТА ЙЎҚ"

Тўғриси, спектакль учун олдиндан чипта олиб қўйишни ҳаёлимга келтирмадим, фақат бир неча каналлар орқали реклама қилинган спектакллар орасида ўзим кутган асар қўйиладиган санани эслаб қолдим, холос (бу катта хатоим бўлган экан). Белгиланган кунни ярим соат аввал вилоят мусикали драма театрининг "Касса" деб ёзиб қўйилган дарчаси томон бордим. У ердан "Билет йўқ экан", дея ҳафсаласиз қайтаётган одамларга ҳам эътибор бермадим. Гўё мен учун топилиб қоладигандай. Аммо чипта йўқ эди! Спектакл намоишидан 3-4 кун аввал сотиб бўлинган экан! Тўғриси, бундай имкониятни қўлдан бой бергим йўқ. Аммо нима қилиш мумкин?! Ҳеч қачон ўз манфаатим учун касбимдан фойдаланмаганман, нахотки энди театрда кириш учун шу принципимга қарши йўл тутсам... Шундай қилишга мажбур бўлдим! Бир-икки кўнғироқлардан сўнг, залнинг энг охириги қаторларидан бири ёнидаги йўлакка ўриндиқ келтириб қўйишди. Шунга ҳам хурсанд эдим.

Бу орада спектаклга одамларнинг жуда чиройли кўринишда, қўллар билан келаяётганини ҳам кўздан қочирмадим. Зал тўла эди, ҳатто юқори айвонда ҳам жой йўқ.

Асарни ўқиганлар яхши билади, ундаги фантастик лавҳалар асарга сирлилик ва мубҳамлик бахш этиши баробарида, баъзи бир кўринишлар воқеаларни янада очиб беришга хизмат қилади. Кинода-ку, уларни намоиш этиш мумкин, аммо театрда бу сахналар қандай амалга оширилган экан, дея ўйлай бошладим.

Гулрух МЎМИНОВА.

Замонавий махсус воситалар, сахна кўринишлари, мосламалар, актёрларнинг кийимини - гўёки улар китобдан чиқиб келгандай эди. Икки ярим соат давом этган спектаклни томошабинлар қилт этмай томоша қилишди. Кўпчилик театрда телефонда гаплашиш, тановуллардан зорланиб гапирди. Ушбу асар намоиши давомида бу ҳолатлар кузатилмади. Томошабин спектаклга шунчалик сингиб кетгандики, гўё воқеалар ичида яшагандай хис қилди ўзини. Дарвоқе, актёрларнинг гоҳ залнинг у ёки бу эшигидан чиқиб роль ўйнагани, баъзи жойларда тўғридан-тўғри ўриндиқлар ёнида диалогларга киришгани - уларнинг ҳам томошабинлар билан ҳамнафас бирга эканлигини намоён этди.

"САМАРҚАНДЛИКЛАРДАЙ МУХЛИС КАМ"

Спектакль сўнгидан томошабинлар нақ 15 дақиқа тик туриб, актёрларни олқишлади. Ростдан ҳам ижро бунга арзир эди.

Гастрол якунида икки театр раҳбарияти томонидан ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланди.

- Самарқандликларнинг театрда эътибори, санъатга ошўфталиги мени жуда ҳаяжонга солди, - дейди Россия халқ артисти, "Олтин никоб" мукофоти лауреати Ефим Звеняцкий. - Бундай қизғин мухлислик, маданиятли томошабин бугун одамлар ижтимоий тармоқлару олди-қочдиларга мук-касидан кетган бир пайтда ноёб ҳодисага айланиб бормоқда.

Ижодкорлар, шунингдек, "Жазда фақат қизлар", "Муз бўйлаб ялангоёқ", "Сильва ҳам, оперетта ҳам эмас" каби спектаклларни намоиш этишди ва барчаси томошабинлар томонидан зўр иштиёқ билан кутуб олинди.

- Театримиз бу каби халқаро ҳамкорлики янада кўпайтиради, бунга етарлича шароит бор, - деди вилоят мусикали драма театри раҳбари Ботир Туганов. - Жамоамиз яқин ойларда бир неча давлатларда бўлиб, репертуаримиздаги спектаклларни намоиш этиб қайтишди.

Ҳа, санъат миллатлараро дўстликни, бирдамлик, баррикенгликни ўзида мутхассас этади. Айнан санъат қайси тилда бўлишидан қатъи назар, кишиларни бирлаштиради, уларни руҳлантиради, баҳрамандлик орқали кишига маънавий озиқа беради.

Mehrga tashna qalb

Qishning so'nggi oyi. Sovuq ortga chekinib, iliq kunlar boshlandi. Manzura o'rmidan turib, derazadan tashqariga qaradi. Hayotning tashvishlari bilan ovora odamlar u yoqdan bu yoqqa o'tishardi. U soatiga qaradi. Bugun Ulfat ishlaydigan bankka borishi kerak. Negadir yuragi orziqib ketdi. Ishlarini tugatgach, yo'lga otlandi.

Qiziq, nega ish yuzasidan borsa ham ko'ngli bunchalar bezovta? Ulfat qanday kutib olarkin? Keyingi vaqtlarda unga nisbatan yigitning munosabati ancha o'zgar-gan. Ilgarilari u bunaqa emas-di, Manzuraning ko'zlarida bir tomchi yosh ko'rsa, o'zini qo'yarga joy topolmay, ovutishga tushardi. Yoki boshqasini yaxshi ko'rib qolganmi? Bergan va'dalari, so'zlari nahotki yolg'on bo'lsa?

Ana shunday xayollar og'ushida bankka kirib bordi. Navbatda turganlar bugun ancha kam. Navbatchidan ruxsatnoma olgach, lift bilan yuqoriga ko'tarildi. U uchinchi qavatda ishlaydi. Yigit ishlaydigan xona oldiga yetgach, qo'llari qaltirab, ortga chekindi. Baribir kirishi kerak. Xonadan bir kishi chiqib, unga yo'l berdi. Orqadan Ulfat ko'rindi. U Manzurani ko'rishi bilan orqasiga qaytib, ichkari eshikni qulflab oldi. Odamlarni qabul qiladigan teshikdan bosh chiqarib:

- Xo'sh, xizmat? - dedi. - Bunday sovuq muomalani kutmagan Manzura hayron bo'lib qoldi. - Hozir ketaman, ish bilan keldim, - dedi zo'rg'a.

- Kirish mumkin emas, tartib shunaqa, - deya ming'irladi Ulfat.

O'zini haqoratlanganday sezgan Manzura-ning ko'z oldi qorong'ilashdi. Axir u begona emas-ku! Behol bo'lib, xonadagi divanga o'tirib qoldi. Boshida kuchli og'riq paydo bo'ldi. Indamay boshini egib, yig'lab yubordi.

- Yig'lamang, biron ko'rsa nima deydi, - dedi Ulfat beparvogina.

Manzura ko'zlari mo'ltirab Ulfatga qara-di-yu, yuragini changallaganicha yerga yiqildi. Yigit shoshib eshikni ochdi-yu, suv olib chiqib,



Manzuraning yuzlariga sepd. - Iching, iching, - deb suvning qolgani-ni uning lablariga tutdi. Qiz ko'zlarini zo'rg'a ochdi: - Oyijon, oyijon, - deb majolsizgina ingradi. Qo'rqib qolgan yigit uning sumkasini ko'tarib, tashqariga yetakladi. - Yuring, toza havoga chiqaylik. Manzura ko'z yosh-larini artdi. - Uyga qo'yib ke-ling, - dedi sekingina. Ulfat uni tashqariga kuzatib, rahbaridan olgani kirib ketdi. Uni

javob kutib o'tirgan Manzura o'zini tutolmay, yum-yum yig'ladi. Gunohi nima axir, uni sevimimi? Mehrga zorligimi? Hech kimni demay, uni deganimi?

Ulfat tez-tez yurib keldi. Ular mashinaga o'tirishdi.

- Endi tuzukmisiz? - dedi yigit. Manzura boshini qimirlatdi. Yo'l bo'yi ikkalasi ham jim ketishdi. Uyga yetib kelishgach, Ulfat:

- Har narsani ko'ngilga yaqin olaverasizmi? Yurakni ehtiyot qiling, hazillashmang, - dedi.

Bu uning mehribonligimi, shunchaki yupatish uchun aytilgan gapmi, Manzura tushunolma-di. Ulfat cho'ntagidan pul olib, Manzuraning cho'ntagiga soldi.

- Kerak emas, - deb pullarni yigitga qaytar-di.

- Ahvolingizni bilaman, iltimos, o'zingizni davolating, - dedi Ulfat.

Manzura bu safar jim qoldi. Dunyoda Ulfat akasidan boshqa hech kimi yo'q edi. Uning qalbida umid paydo bo'ldi. Ulfat akasi uning sog'lig'ini o'ylayapti, u haqda qayg'uryapti. U boshini ko'tarib, Ulfatga tikildi, yigit mehr to'la ko'zlarini bilan unga qarang turardi.

Bu o'tkinchi dunyoda hech kimni mehrga, muhabbatga zor qilmasin ekan.

Nazira HAMIDOVA.



"O'zbekiston xazinalari" hujjatli filmi suratga olinmoqda

O'zbekistonning boy madaniy va tarixiy merosini jahon jamoatchiligiga tanitish maqsadida Buyuk Britaniyaning «SandStone Productions Ltd» kompaniyasi tomonidan "O'zbekiston xazinalari" nomli hujjatli film suratga olinmoqda. Mazkur film "National Geographic" telekanali orqali efirga uzatilishi rejalashtirilgan.

Taniqli tarixchi va teleboshlovchi Bettani Xyuz rahbarligidagi ijodiy jamoa tasvirga olish ishlarini Qoraqalpog'iston Respublikasi, Xorazm va Buxoro viloyatlarida boshlab, hozirda Samarqand shahrida davom ettirmoqda. Ijodiy guruh Samarqand viloyatining yuksak turizm salohiyati, betakror tarixiy obidalari, milliy an'analari hamda madaniy meros obyektlarini ekran orqali namoyish etishni maqsad qilgan.

— Samarqand boy tarixga ega shahar, — deydi Bettani Xyuz. — Xususan, Registon maydoni, Shohi Zinda majmuasi, Amir Temur maqbarasi kabi obidalar nafaqat O'zbekiston, balki butun insoniyatning bebaho merosidir. Loyiha doirasida tasvirga olish ishlari Surxondaryo viloyati hamda Toshkent shahrida davom ettiriladi.



MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 13 837 nusxada chop etildi. Buyurtma 346. Hajmi 2 bosma tabaq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. **Korxona manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

A.SHERXOLOV.

Navbatchi:

G.MO'MINOVA.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda